

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки
Акциядорларининг навбатдаги
йиллик умумий йиғилишининг
2022 йил “27” июндаги
4-сонли баённомаси билан

Йиғилиш раиси



Ф. Нургалиев

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг
Ахборот сиёсати**

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки
Кузатув кенгаши мажлисининг
2022 йил “16” июн даги 39-сонли баённомаси билан
Кузатув кенгаши раиси

О. Исаков

Бошқарувининг
2022 йил “26” май даги 43-сонли қарори билан
Бошқарув раиси

О. Бутаев

Тошкент – 2022 йил

1-боб. Умумий қоидалар

1. “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг Ахборот сиёсати (кейинги ўринларда – Сиёсат) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Банк сири тўғрисида”ги, “Тижорат сири тўғрисида”ги, “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сон “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 февралдаги 176-сон “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш Қоидалари” (рўйхат рақами 2383, 2012 йил 31 июль), “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги (рўйхат рақами 3254, 2020 йил 30 июнь), Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси, “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг Устави ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларига асосан ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Сиёсат “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда - банк) томонидан ахборотни ошкор қилишнинг асосий мақсадлари, тамойиллари, шакллари, усуллари, тартиби ва муддатларини белгилайди.

3. Сиёсат банк фаолиятининг барча турларига нисбатан татбиқ этилади ва банкнинг барча таркибий бўлинмалари, мансабдор шахслари, ходимлари ва бошқа манфаатдор шахслари томонидан қўлланилиши мажбурийдир.

4. Мазкур Сиёсатда кўрсатилган ахборотни ошкор қилиш талаблари банкнинг муҳим ахбороти махфийлигини бузмаслиги ва банк иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторидаги рақобатчиларига нисбатан фойда бермайдиган аҳволга солиб қўймаслиги лозим.

5. Ушбу Сиёсат давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солмайди.

6. Банк активларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар Сиёсат билан тартибга солинади.

7. Ушбу Сиёсатни амалга ошириш доирасида ахборотни ошкор қилишнинг ички тартиб-таомиллари, банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланади.

8. Ушбу Сиёсатда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

а) **манфаатдор шахслар** – банк фаолиятдан манфаатдор шахслар, хусусан, банк акциядорлари, банкнинг потенциал инвесторлари, қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари; қонун нормаларига, тузилган шартномаларга (контрактларга) таяниб билвосита (бевосита) таъсир кўрсатадиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган жисмоний шахслар, юридик шахслар, жисмоний ёки юридик шахсларнинг гуруҳлари. Банк акциядорлари, ходимлари, мижозлари, етказиб берувчилар, давлат органлари ва тартибга солувчи ташкилотлар, шўъба ва уюшган хўжалик юритувчи субъектлар, кредиторлар, инвесторлар, жамоат ташкилотлари, шунингдек, Банк фаолиятини юритаётган ҳудудларнинг аҳолиси манфаатдор шахсларнинг асосий вакиллари бўлиши мумкин;

б) **ахборот** – тақдим этиш шаклидан қатъи назар батафсил маълумот (хабар, ахборот);

в) **ошкор қилиниши мажбурий ахборот** – амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ошкор қилинадиган маълумотлар;

г) **масъул шахслар** – банк фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қиладиган ва шарҳлайдиган банк Бошқаруви аъзолари ва ходимлари;

д) **конфиденциал ахборот** – давлат сирига кирувчи ахборотни ўз ичига олмаган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ фойдаланиш имконияти чекланган, учинчи шахсларга номаълум бўлганлиги туфайли ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга бўлган (жумладан, тарқатилишига чеклов хизмат заруриятига кўра белгиланадиган ахборот), чекланган доирадаги шахсларга қонуний асосда эркин фойдаланиш имкони берилган ахборот.

е) **шарҳлар бериш** – жисмоний ва юридик шахсларнинг ёхуд бошқа манфаатдор шахсларнинг, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакилларининг оғзаки ва ёзма сўровларига жавоблар бериш;

ж) **ахборотни ошкор қилиш** – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, банк Уставида, Корпоратив бошқарув кодексида, “Тошкент” Республика фонд биржасининг листинг талабларида ёки хорижий фонд биржасининг амалдаги талаблари ва банкнинг бошқа ички ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, усуллар ва шаклларда барча манфаатдор тарафлар учун ахборотдан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

з) **Оммавий ахборот воситалари** – доимий номга эга бўлган ва камида олти ойда бир марта босма нашрларда (газеталар, журналлар, ведомостлар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон шаклда (телевидение, радио, видео, кинохроника дастурлари, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) чоп этиладиган ёки эфирга узатиладиган оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ва оммавий ахборотни даврий равишда тарқатишнинг бошқа шакллари.

2-боб. Ахборот сиёсатининг мақсади ва вазифалари

9. Мазкур Сиёсатининг асосий мақсади – акциядорлар, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари, шунингдек, бошқа манфаатдор шахсларнинг банк ва унинг фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш орқали банк фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашдан иборат.

10. Банк ахборотни қуйидаги мақсадларда ошкор қилади:

манфаатдор шахсларнинг банк ва унинг фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш орқали банк фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

банкнинг яхши корпоратив бошқарув стандартларига амал қилишга тайёрлигини тасдиқлаш;

банкнинг ижобий имиджини шакллантириш ва сақлаш.

11. Сиёсат манфаатдор шахсларнинг банк ва унинг фаолияти тўғрисида, уларнинг инвестициявий ва бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим бўлган ишончли маълумотларни олиш, шунингдек, банк тўғрисидаги махфий маълумотларни ҳимоя қилиш ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга қаратилган.

12. Сиёсат қуйидаги вазифаларни бажариш билан таъминланади:

бизнес жараёнларининг юқори сифатини таъминлаш мақсадида банк ахборот активларининг яхлитлигини таъминлаш;

бизнес жараёнларини қўллаб-қувватлаш учун банк ахборот активларининг узлуксиз мавжудлигини таъминлаш;

ахборот технологиялари билан ишлашда банк ва бошқа шахслар ахборотининг махфийлигини таъминлаш.

13. Ахборотни тижорат сири сифатида таснифлаш тартиби, унга кириш таърифлари ва шартлари “Тижорат сири тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва бошқа қонунчиликка мувофиқ банк томонидан белгиланади.

3-боб. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари

14. Ахборот ресурсларининг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги, шаффофлиги, долзарблиги, боғлиқлиги, мунтазамлиги, тезкорлиги, ҳужжатлар билан тасдиқланганлиги, фойдаланишга очиқлиги, холислиги, изчиллиги, тенг ҳуқуқлилиги, мувозанатланганлиги, ҳимояланганлиги Сиёсатининг асосий тамойиллари ҳисобланади ва уларнинг таърифи қуйидагилардан иборат:

ҳаққонийлик тамойили – банк томонидан ўз акциядорлари ва бошқа манфаатдор шахсларга ҳақиқатга мос келадиган маълумотларни тақдим этиши, шунингдек, тарқатилаётган маълумотларнинг қасддан бузилмаслиги ва нотўғри бўлмаслигини таъминлаш учун барча оқилона чораларни кўришдир;

тўлиқлик тамойили – банк томонидан акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар томонидан банкдаги ишларнинг ҳақиқий ҳолати тўғрисида холисона ва тўлиқ тасаввур яратиш учун етарли бўлган маълумотларни тақдим этиши (махфий маълумотлар бундан мустасно);

шаффофлик тамойили – банк фаолияти тўғрисидаги тўлиқ ва ишончли ахборотни акциядор(лар)га ва бошқа манфаатдор шахсларга ошкор қилишни таъминлайди;

долзарблик тамойили – банк томонидан ошкор қилинган маълумотларнинг банк фаолиятига тегишли эканлигини билдиради;

боғлиқлик тамойили – банк томонидан ошкор қилинадиган маълумотларнинг хронологик тартибда кейинги фойдаланиш ва таҳлил қилиш учун тақдим этишнинг бир хил ёндашувлари ва тамойилларидан фойдаланган ҳолда тузилганлигини аниқлатади;

мунтазамлик тамойили – қонунчилик ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларга ахборотнинг доимий ва тизимли равишда ошкор этилишини таъминлайди;

тезкорлик тамойили – банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир этувчи, шунингдек, унинг манфаатларига дахлдор бўлган муҳим воқеа ва фактлар тўғрисида акциядор(лар)ни ва бошқа манфаатдор шахсларни имкон қадар қисқа муддатда хабардор қилишни таъминлашга қаратилган;

ҳужжатлар билан тасдиқланганлик тамойили – банк томонидан ошкор қилинган маълумотларнинг ҳужжатлар ва реал воқеаларга асосланганлигини билдиради;

фойдаланишга очиқлик тамойили – банкнинг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш каналлари ва воситаларидан фойдаланишини билдиради. Бу манфаатдор шахсларнинг ошкор этилган маълумотлардан эркин, осон, танланмаган ва энг кам харажатли фойдаланишини таъминлайди;

холислик тамойили – банкнинг ўз фаолиятини ёритишда ўз фаолияти тўғрисидаги акциядор(лар) ва бошқа манфаатдор томонлар учун аҳамиятли бўлган салбий маълумотларни ошкор этишдан бош тортмаслигини билдиради;

изчиллик тамойили – банк томонидан ошкор қилинган маълумотларнинг шунга ўхшаш ёки тегишли масалалар бўйича илгари ошкор қилинган маълумотларга барча муҳим жиҳатлари бўйича мос келишини аниқлатади;

тенг ҳуқуқлилик тамойили – банкнинг барча акциядорларга ва бошқа манфаатдор шахсларга банк фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш ва ундан фойдаланишда тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашини билдиради, бундан қонунчиликда ва банкнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

мувозанат тамойили – акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг маълумотларни олиш ҳуқуқини максимал даражада амалга ошириш мақсадида, лекин банк манфаатларига қатъий риоя қилган ҳолда бир тарафдан банкнинг ахборотни ошкор этишдаги очиқлиги ва шаффофлиги ҳамда иккинчи тарафдан, унинг тижорат манфаатлари ва маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя этилиши ўртасидаги

оқилона мутаносибликни назарда тутати. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган конфиденциал ахборотни муҳофаза қилиш ҳамда инсайдер маълумотларини тарқатиш ва ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш бунинг мажбурий шартлари ҳисобланади.

Ҳимояланганлик тамойили – ахборотни ошкор қилиш ва (ёки) узатиш тартибини бузиш натижасида моддий ва номоддий зарар етказилишининг олдини олиш мақсадида банк, тижорат ёки бошқа сирни ёки махфий ҳисобланган ахборотни ташкил этувчи ахборотни ошкор қилишнинг қонунчиликда рухсат этилган усуллари ва воситаларидан фойдаланишни назарда тутати.

4-боб. Ахборот сиёсатини амалга ошириш қоидалари

15. Ахборот сиёсатини амалга ошириш учун банк:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, банк Устави, Корпоратив бошқарув кодекси, амалдаги листинг қоидалари ва банкнинг ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ ошкор этилиши мажбурий бўлган ахборот (маълумотларнинг) ҳисобини юритади;

ахборотни ошкор қилиш тартибини белгилайди;

ошкор этилиши (топшириши, сизиб кетиши) банк манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган банкнинг махфий маълумотларини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини ва риоя этилиши конфиденциал ахборотнинг сақланишини таъминлашга ёрдам берадиган зарур чораларни белгилайди;

ахборотни тарқатиш усуллари, шакллари ва тартибини белгилаш, шунингдек, ошкор этилиши лозим бўлган ахборотни тайёрлаш ва тарқатиш учун масъул шахсларни белгилаш йўли билан банк тўғрисидаги ахборотнинг тарқалиши устидан назорат тизимини ўрнатади;

банк бошқарув органлари, банк мансабдор шахслари ва ходимларининг банк тўғрисидаги маълумотларнинг тегишли тарзда ошкор этилишини ва махфий маълумотларнинг сақланишини таъминлаш бўйича ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди;

ушбу Сиёсатни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида ягона ахборот маконини шакллантиради, бу ахборот-коммуникация технологиялари орқали банк ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам узатиладиган ахборот устидан назоратни таъминлайди.

16. Инвестицион жозибадорликни ошириш доирасида банк ўз ишини Корпоратив бошқарув кодексининг асосий тамойилларига асосланиб, қўшимча маълумотлар, тушунтиришлар ва банкдаги ишларнинг жорий ҳолати, банк фаолиятини молиявий таҳлил қилиш, асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар бўйича шарҳлар расмий маълумотларни тақдим этиш орқали акциядор(лар) ва бошқа манфаатдор шахслар билан доимий равишда бевосита мулоқотни давом эттиришга интилади.

17. Акциядор(лар) ва бошқа манфаатдор шахслар учун муайян маълумотлар, жумладан, ушбу Сиёсатда кўрсатилган ва банкнинг ихтиёрига кўра бошқа қўшимча маълумотлар банкнинг интернет тармоғидаги

www.mikrokreditbank.uz корпоратив веб-сайтида “Акциядорлар ва инвесторлар” бўлимида ва бошқа тегишли маълумотлар бўлимларида давлат, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилади.

18. Ахборот сиёсатини амалга ошириш учун банк мансабдор шахслари банкка ўзлари ва уларнинг аффилланган шахслари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, банк томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига риоя этиши учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этишлари шарт. Тақдим этилган маълумотлар ўзгарган тақдирда мансабдор шахслар банкнинг ички ҳужжатида белгиланган тартибда ва муддатларда ушбу ўзгаришлар тўғрисида дарҳол банкни хабардор қилиши шарт.

5-боб. Ахборотни ошкор қилиш усуллари ва шакллари

19. Ахборотни ошкор қилиш шакллари банк томонидан барча манфаатдор шахсларнинг ошкор қилинаётган маълумотлардан эркин ва оқилона фойдаланишини таъминлайдиган тарзда танланади.

20. Банк ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги усуллар ва шаклларда ошкор этилиши мумкин:

- оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

- банкнинг корпоратив веб-сайтида жойлаштириш;

- корпоратив ахборот ягона порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида), шунингдек, ваколатли тартибга солиш хизматлари ва/ёки банк қимматли қоғозлари муомалада бўлган миллий ва халқаро фонд биржаларининг органлари орқали;

- даврий нашрларга жойлаштириш;

- рисолалар ва буклетларда маълумотларни нашр этиш;

- акциядор(лар) ва бошқа манфаатдор шахслар билан интервьюлар, матбуот анжуманлари ва учрашувлар ҳамда бошқа оммавий тадбирлар ўтказиш;

- инвесторлар, таҳлилчилар, оммавий ахборот воситалари вакилларининг банкка ташрифларини ташкил этиш;

- акциядор(лар)га ва бошқа манфаатдор шахсларга уларнинг тегишли ҳамда қонуний талабига биноан ахборот (ҳужжатлар) билан танишиш ва уларнинг нусхаларини тарқатиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа усуллар ва шаклларда.

21. Банк акциядор(лар) ва бошқа манфаатдор шахслар билан мулоқот қилишнинг қуйидаги усулларида ҳам фойдаланиши мумкин:

- банк вакилларининг шахсий иштирокида ҳам, масофавий каналлардан фойдаланган ҳолда ҳам яккама-якка индивидуал ва гуруҳ учрашувлар;

- халқаро ва миллий молиявий ва инвестиция конференциялари;

- роуд-шоулар, тақдимотлар, сайтга ташрифлар;

- аудио/видео конференция қўнғироқлари;

мунтазам қўнғироқлар/электрон почта орқали сўровларига жавоблар.

22. Банк манфаатдор шахсларига қуйидагилардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш лозим:

оммавий баёнотлар;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва амалдаги талабларига мувофиқ ошкор этилиши шарт бўлган банкнинг асосий маълумотлари;

банк тақдимотлари (агар мавжуд бўлса);

корпоратив бошқарувга, жумладан, Банк Кузатув кенгашига доир ҳужжатлар.

6-боб. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ошкор этилиши мажбурий бўлган маълумотлар рўйхати, уни ошкор қилиш муддатлари ва тартиби

23. Банк мажбурий ошкор этилиши шарт бўлган маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 февралдаги 176-сон “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш Қоидалари” (рўйхат рақами 2383, 2012 йил 31 июль) ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган ҳажмларда, муддатларда ва усулларда ошкор қилади.

24. Ахборотни мажбурий ошкор қилиш қуйидаги манбаларда амалга оширилади:

корпоратив ахборот Ягона порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайти);

“Тошкент” Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz);

банкнинг корпоратив веб-сайтида (www.mikrocreditbank.uz);

Ўзбекистон Республикасининг очиқ маълумотлар порталида;

давлат харидларининг махсус ахборот порталида;

оммавий ахборот воситаларида.

25. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг, фонд биржасининг расмий веб-сайтида, банкнинг корпоратив веб-сайтида мажбурий ошкор этилиши шарт бўлган маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар қуйидагилардир:

қимматли қоғозларни чиқариш (эмиссия) рисоласи (қимматли қоғозларни оммавий жойлаштиришда);

банкнинг қонунчилик талабларига жавоб берадиган шаклда тузилган, жумладан, Молиявий ҳисобот халқаро стандартларига мувофиқ тузилган,

аудиторлик текширувидан ўтган йиллик молиявий ҳисоботларни ўз ичига олган йиллик ҳисоботи;

банкнинг ҳисобот йилининг биринчи чораги, биринчи ярми ва тўққиз ойи якунлари бўйича ҳисоботи;

банк фаолиятидаги муҳим факт ҳақида хабар бериш.

Банк юқоридаги маълумотларни “Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш Қоидалари” (рўйхат рақами 2383, 2012 йил 31 июль) белгиланган муддатларда, тартибда ва шаклда ошкор қилади.

26. Банкнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг биржа котировкалари варақасига киритилган ва (ёки) аввалдан мавжуд бўлган тақдирда, банк листинг талабларига мувофиқ барча зарур маълумотларни ошкор қилади. Фонд биржасида листинг мавжуд бўлмаган тақдирда, банк ошкор этилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати ва унинг корпоратив веб-сайтида ошкор этилиши бўйича листинг талабларига максимал даражада риоя қилишга интилади.

27. Банк корпоратив веб-сайтига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2014 йил 2 февралдаги 176-сон “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган маълумотларнинг ошкор этилишини таъминлайди.

28. Қуйидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида мажбурий ошкор этилиши шарт:

банк акциядорларининг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар бериш;

банкнинг жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида хабар бериш;

имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган банк акциядорларига акцияларни ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссия қилинаётган қимматли қоғозларни сотиб олиш, чиқариш бўйича таклиф;

банк томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги маълумотлар;

банк тугатилганлиги, шунингдек, унинг кредиторлари томонидан талаблар қўйиш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги маълумотлар;

банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ мажбурий ошкор этилиши шарт бўлган бошқа маълумотлар.

7-боб. Корпоратив веб-сайтда қўшимча маълумотларни ошкор қилиш рўйхати ва тартиби

29. Банкнинг корпоратив веб-сайти яхши тузилган, алоҳида тематик бўлимларда жойлаштирилган маълумотларга эга бўлиши ва барча манфаатдор шахслар учун очиқ бўлиши лозим. Корпоратив веб-сайт заруратга қараб, лекин ҳафтада камида бир марта янгиланади.

30. Банкда корпоратив веб-сайтта жойлаштирилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва долзарблиги, шунингдек, корпоратив веб-сайтнинг давлат, рус, инглиз тилидаги версияларида жойлаштирилган ушбу маълумотларнинг мувофиқлиги мунтазам равишда назорат қилиб борилиши лозим. Шу билан бирга, корпоратив веб-сайтнинг инглиз ва рус тилларидаги версиясини яратиш, маълумотлар билан тўлдириш ва юритиш банк фаолиятига ортиқча юк юкланишига олиб келмаслиги лозим. Банкда корпоратив веб-сайттаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва долзарблиги учун масъул шахслар (таркибий бўлинма) жавобгар ҳисобланади.

31. Банкнинг корпоратив веб-сайти камида қуйидаги қўшимча ахборотни ўз ичига олиши лозим:

банк тўғрисидаги умумий маълумотлар, жумладан, миссияси, асосий вазифалари, мақсадлари ва фаолиятининг устувор йўналишлари, ташкилий тузилмаси ва бошқарув тузилмаси, Кузатув кенгаши ва Кузатув кенгаши қўмиталари таркиби, Бошқарув таркиби, ходимлар сони тўғрисидаги маълумотлар, банк фаолиятининг молиявий ва операцион натижалари;

банкни ривожлантириш стратегияси (камида, стратегик мақсадлар, жумладан, банк томонидан амалга ошириладиган давлат сиёсатининг индивидуал мақсадлари) ва уни амалга ошириш тўғрисидаги маълумотлар;

асосий молиявий ва номолиявий фаолият кўрсаткичларини очиб бериш орқали мақсадларга эришиш натижалари, банк бир-бирига зид бўлиши мумкин бўлган мақсадлар ўртасида муросани қандай топиши ҳақидаги маълумотлар;

бошқарув органлари, Кузатув кенгаши қўмиталари, ички аудит хизмати ва корпоратив маслаҳатчи фаолиятини тартибга солувчи устав ва ички ҳужжатлар;

Корпоратив бошқарув кодекси, шунингдек, Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларига риоя қилиш мажбуриятини қабул қилиш ва унга риоя қилиш тўғрисидаги маълумотлар;

банкнинг ахборот сиёсати;

ахлоқий тамойиллар ҳақида маълумот;

коррупцияга қарши кураш бўйича асосий ҳужжатлар;

коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича юқори раҳбариятнинг мурожаати;

таваккалчиликларни бошқариш маълумотлари, ҳар қандай муҳим прогноз қилинадиган хавф омиллари ва бундай хавфларни бошқариш бўйича қўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади;

аудит ўтказиш тартибини ва аудиторлик ташкилоти билан муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатлар;

банкнинг дивиденд сиёсати;

Кузатув кенгаши аъзолари тўғрисидаги маълумотлар, жумладан, қуйидаги маълумотлар: фотосурат (Кузатув кенгаши аъзоси билан келишилган ҳолда), фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, фуқаролиги, Кузатув кенгаши аъзосининг мақоми (мустақил аъзо, акциядорнинг вакили), Кузатув кенгаши аъзосининг функциялари,

жумладан, Кузатув кенгаши қўмиталари аъзолиги ёки Кузатув кенгаши раиси вазифасини бажарувчиси, таълим, жумладан, асосий ва қўшимча таълим (таълим муассасасининг номи, битирган йили, малакаси, олинган даражаси), охириги беш йилдаги иш тажрибаси, асосий иш жойи ва бошқа амалдаги лавозимлари, жумладан, бошқа тижорат ва нотижорат ташкилотларининг Кузатув кенгашларида эгаллаб турган лавозимлари, касбий малакалари, Кузатув кенгашига биринчи сайлов ва амалдаги Кузатув кенгашига сайланган сана, банк акцияларига эга эмаслиги ёки акцияларнинг сони ва улуши;

Бошқарув аъзолари тўғрисидаги маълумотлар, жумладан, қуйидаги маълумотлар: фотосурати, фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, фуқаролиги, лавозими ва бажарган функциялари, маълумоти, жумладан, асосий ва қўшимча таълим (таълим муассасасининг номи, битирган йили, малакаси, олинган даража), сўнги беш йилдаги иш тажрибаси, касбий малакаси, ўриндошлик бўйича эгаллаб турган лавозимлари, банк акцияларига эга эмаслиги ёки акцияларнинг сони ва улуши;

қонунчилик ва йиллик ҳисоботларнинг мазмунини тартибга солувчи банкнинг ички ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган, шунингдек, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда тузилган банкнинг йиллик ҳисоботлари;

Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит бўйича аудиторлик ҳисоботлари ва ўтган даврлар учун Молиявий ҳисобот халқаро стандартларига мувофиқ тузилган тегишли молиявий ҳисоботлар;

тасдиқланган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар;

харидлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, жумладан, харидлар қоидалари, режаси, эълонлар ва харидлар натижалари;

бошқарув тузилмаси, мулкчилик ва овоз бериш ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотлар, жумладан, давлат улушидаги акцияларнинг эгаси ким эканлиги ва давлат улушига тегишли акциядорлик ҳуқуқларини ким амалга ошириши, акциядорларнинг таркиби ва овоз бериш ҳуқуқларининг тақсимланиши, сони ва уларга тегишли оддий акцияларнинг улуши;

барча даражадаги шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари билан ташкилий ва корпоратив алоқаларни аниқ белгилашни ўз ичига олган активлар таркиби тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг фаолият доираси қисқача кўрсатилган ҳолда;

йирик битимлар ва (ёки) манфаатдорлик мавжуд битимлар, шунингдек, давлат ва аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги маълумотлар, жумладан, ушбу битимларнинг бозор қиймати ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган барча маълумотлар. Бундай маълумотларга битим тарафлари, битимнинг муҳим шартлари (битим предмети, битим нархи), махфийлик режимини бузмаган ҳолда битимни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилган орган тўғрисидаги маълумотлар киради;

барқарор ривожланиш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, жумладан, ходимлар ва бошқа манфаатдор томонлар билан боғлиқ бўлган,

банкнинг молиявий ва номолиявий фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёки манфаатдор томонларга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асосий масалалар, масалан, раҳбарият ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар, бошқа манфаатдор томонлар, масалан, мижозлар, кредиторлар, етказиб берувчилар ва банк ўз хизматларини кўрсатадиган ҳудудларнинг аҳолиси билан муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар. Ошкор қилинган маълумотлар, шунингдек, ижтимоий, экологик, инсон ҳуқуқлари ва коррупцияга қарши чораларни амалга оширишга оид ҳар қандай жиддий маълумотларни ўз ичига олади;

хайрия (ҳомийлик) ёки беминнат ёрдам кўрсатиш (қабул қилиш) ва улар тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби, шартлари, шунингдек, ҳақиқатда кўрсатилган (олинган) хайрия (ҳомийлик) ёки беминнат ёрдам тўғрисидаги маълумотлар;

корпоратив тадбирларнинг йиллик тақвими;

махфийлик режимини бузмаган ҳолда акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари;

Кузатув кенгаши фаолияти, жумладан, Кузатув кенгаши мажлисларининг сони, Кузатув кенгаши аъзоларининг мажлисларда иштирок этиши, кун тартиби/мажлисларда кўриб чиқилган масалалар ва овоз бериш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар, махфийлик режимини бузмаган ҳолда;

Кузатув кенгаши қўмиталари фаолияти, жумладан, қўмиталар ва уларнинг таркиби, мажлислар сони, Кузатув кенгаши аъзоларининг мажлислардаги иштироки, кун тартиби/мажлисларда кўриб чиқилган масалалар ва овоз бериш натижасида қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги маълумотлар, махфийлик режимини бузмаган ҳолда;

ҳар қандай молиявий ёрдам, жумладан, давлатдан олинган кафолатлар, ўзаро мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотлар, молиявий ёрдам кўрсатиш механизмлари ва давлат ва банк ўртасида таваккалчиликни тақсимлаш тўғрисидаги маълумотлар.

янгиликлар ва пресс-релизлар;

банкнинг бўлажак ва ўтган оммавий тадбирлари (сессиялар, йиғилишлар, учрашувлар, матбуот анжуманлари, семинарлар ва брифинглар, давра суҳбатлари, расмий ташрифлар) тўғрисидаги маълумотлар, кундалик фаолияти тўғрисидаги бошқа маълумотлар;

банкнинг бошқа давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

бўш иш ўринлари, ишга жойлашиш шартлари ва номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;

банкнинг ахборот материалларидан фойдаланишда расмий веб-сайтга ҳаволани тақдим этиш талаби;

сайтдан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар, шунингдек, сайтда мавжуд атамаларнинг маъноси;

Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган статистик ва бошқа маълумотлар.

банк ва унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг телефон рақамлари ва почта манзиллари, электрон почта манзиллари, маълумот хизмати ва ишонч телефонлари рақамлари, саёҳат йўналишлари, тўхташ жойлари номлари ва жамоат транспорти йўналишлари рақамлари;

аризалар, таклифлар, шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни олишга сўровларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

келиб тушган аризалар, таклифлар, шикоятлар, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш бўйича сўровларни кўриб чиқишнинг умумий яқунлари тўғрисидаги маълумотлар.

Ишонч телефони тўғрисидаги маълумотлар – қонунчилик ва/ёки банкнинг ички ҳужжатлари бузилиши, жумладан, фирибгарлик, коррупция, камситиш, ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар ва банк фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш мақсадида муружаатлар учун алоқа каналлари;

акциядорларнинг ёзма ёки электрон сўровлари учун алоқа маълумотлари/манзиллари;

бошқа очиқ маълумотлар ва банк расмий веб-сайтида жойлаштиришни зарур деб ҳисоблаган маълумотлар.

8-боб. Банк Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш

32. Банк акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар эътиборига банк Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, амалдаги талаблари ва банк Устави, шунингдек, ушбу Сиёсатда назарда тутилган рўйхатда, ҳажмда, шаклларда ва усулларда етказди.

33. Ахборотни банк акциядорлари ва бошқа манфаатдор шахслар эътиборига етказиш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, амалдаги листинг талабларига ва банк бошқаруви томонидан тасдиқланган ички ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

34. Агар масала банк Кузатув кенгашининг қарори билан махфий бўлса, қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумотлар банкнинг тижорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида эълон қилинмайди.

35. Агар банк Кузатув кенгашининг қарори билан масала махфий маълумотларни ўз ичига олган бўлса, ушбу қарор бўйича маълумотлар махфий ахборотни ошкор этмасдан, чекланган шаклда эълон қилинади.

9-боб. Ошкор қилиш ҳуқуқи

36. Фақатгина банкнинг ваколатли ходимлари ўз ваколатлари доирасида ушбу Сиёсат ва банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда банк номидан маълумотларни ошкор қилиш ва изоҳлар беришга ҳақли.

37. Банк Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар юзасидан расман изоҳ беришга, шунингдек, Кузатув кенгаши мажлисларида кўриб чиқилган масалалар юзасидан давлат, банк, хизмат, тижорат ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва банк томонидан ҳимояланадиган бошқа сирларнинг бутлигини таъминлаш бўйича талабларга риоя этилишини ҳисобга олган ҳолда Кузатув кенгашининг нуқтаи назарини билдиришга ҳақли.

38. Банк Бошқаруви раиси банк фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан оммавий чиқишлар қилишга ҳақли. Банк Бошқарув раиси банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда банк ходимларига банк номидан оммавий сўзга чиқиш (ахборот тақдим этиш) ҳуқуқини беришга ҳақли.

39. Банкнинг раҳбар ва бошқарувчи ходимлари, таркибий бўлинмалари раҳбарлари назорат қилинадиган фаолият йўналишлари/тузилмавий бўлинмалари бўйича жорий фаолият масалаларига оид Бошқарув раиси билан келишилган ҳолда ва бу ҳақда банкнинг ташқи алоқалар учун масъул таркибий бўлинмасини аввалдан хабардор қилган ҳолда банк номидан оммавий чиқишга ҳақли.

10-боб. Бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслар, банк ходимларининг акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар билан ахборот алмашиш тартиби

40. Бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимларининг акциядорлар ва манфаатдор билан ахборот алмашиши учун банк ахборот алмашинуви амалга ошириладиган масъул таркибий бўлинмани (ва/ёки алоҳида ходимни) белгилаши мумкин.

41. Банк акциядор(лар)нинг талабига кўра, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва банк Уставига мувофиқ, унга (уларга) банк ҳужжатлари билан танишиш имкониятини тақдим этиши шарт. Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ акциядор сўраган кундан бошлаб 10 (ўн) банк иш кун ичида талаб этилган ахборотни (сўралган ҳужжатларнинг нусхаларини) тақдим этиши шарт.

42. Акциядор(лар)нинг ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ушбу Сиёсатда назарда тутилган маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги ёзма (электрон) сўровига кўра банкнинг тегишли таркибий бўлинмаси (ўз фаолияти йўналиши бўйича) барча зарур маълумотларни, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бошқача муддат белгиланмаган бўлса, 7 (етти) банк иш куни давомида электрон шаклда тақдим этади.

43. Ҳужжатларнинг нусхаларини тақдим этганлик учун банк томонидан ундириладиган йиғим банк томонидан белгиланади ва ҳужжатлар нусхаларини тайёрлаш ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш қийматидан ошмаслиги лозим.

44. Акциядорлар, банк мансабдор шахслари, ходимлари ва бошқа манфаатдор шахслар (қонунчиликка мувофиқ банк тўғрисида ахборот олган шахслар) банк ёки унинг фаолияти тўғрисидаги банк, хизмат, тижорат ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ҳимоя қилинадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

11-боб. Махфий ахборотни ҳимоя қилиш

45. Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари махфий маълумотларнинг сақланишига доир барча талабларга риоя этишлари, ахборот бутлигининг бузилиши эҳтимоли учун жавобгар бўлишлари, жумладан, рухсатсиз ошкор қилиш ва/ёки махфий маълумотлар билан таништиришга, уларни бузиш ёки йўқ қилиш, шунингдек, уларни узатишга олиб келадиган тасодифий ёки қасддан қилинган ҳаракатларнинг олдини олишлари шарт.

46. Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва банкнинг ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ махфий маълумотларнинг муҳофаза қилинишини таъминлайди. Бундай маълумотлардан фойдаланиш шартлари, шунингдек, уни олиш имконияти банк томонидан банкнинг очиклиги ва унинг манфаатларига зарар етказмаслик истаги ўртасидаги мувозанатни сақлаш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

47. Махфий ахборот сирасига қуйидагилар кирмайди:

барчага ошкор маълумотлар асосида тайёрланган ахборот;

оммавий ахборот воситаларидан олинган ахборот;

манбаси номаълум бўлган, шахсларнинг кенг доираси ўртасида тарқатилган тасдиқланмаган ахборот, шунингдек, банкнинг жорий ёки режалаштирилаётган фаолиятига оид тахминлар.

48. Махфий маълумотларга эга бўлган шахслар рўйхати банкнинг хавфсизлик масалалари бўйича масъул таркибий бўлинмаси (Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти, Биринчи бўлим) томонидан шакллантирилади ва белгиланган тартибда янгиланади.

49. Ошкора қилинадиган ва махфий маълумотларнинг рўйхати, ахборотни ошкор қилиш ҳамда махфий ахборот сақланишини таъминлаш муддатлари ва тартиби белгиланган тартибда ички ҳужжатлар билан белгиланади.

50. Махфий ахборотни ўз ичига олган ҳужжатларни расмийлаштириш, ҳисобга олиш, нусхалаб кўпайтириш, сақлаш ва бошқа муомала қилиш тартиби белгиланган тартибда ички ҳужжатлар билан тартибга солинади.

51. Бошқа юридик шахслар билан ўзаро фаолиятда махфий маълумотлардан фойдаланилганда ёки тегишли келишув ва шартномаларда банк махфий ахборотни ошкор этмаслик тўғрисидаги бандларни назарда тутди.

52. Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари махфий маълумотлардан фақат банк манфаатларини кўзлаб ҳамда ушбу Сиёсат ва банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ фойдаланишлари шарт. Банк контрагентлари ўзларига маълум бўлиб қолган махфий ахборотдан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, бошқа норматив ҳужжатларга ва банк келишувларига мувофиқ фойдаланишлари шарт.

53. Банк Бошқарув аъзолари ва ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ ахборотни ошкор қилиш ва сақлашнинг белгиланган тартибига риоя этиш мажбуриятини имзолайдилар.

54. Банкнинг мансабдор шахслари, ходимлари ва контрагентлари томонидан махфий ахборотдан фойдаланиш тартибини таъминлаш мақсадида банк махфий ахборотни нотўғри фойдаланишдан ҳимоя қилишга қаратилган махсус тартибларни жорий этишга ҳақли. Ушбу тартиб-қоидалар қуйидагилар учун жорий этилади:

конфиденциал ахборотдан фойдаланиш тартибига риоя этилишини, жумладан, банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари ҳамда учинчи шахслар томонидан махфий ахборотга ноқонуний киришни ва улардан банк манфаатларига зид равишда фойдаланишни истисно қилиш орқали таъминлаш;

акциядорлар, инвесторлар, ҳамкорлар ва бошқа манфаатдор томонлар томонидан банкка ишонч даражасини ошириш.

12-боб. Банкнинг ахборот сиёсатига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш чора-тадбирлари

55. Ушбу Сиёсатда назарда тутилган маълумотларнинг оммавий ахборот воситаларида ошкор этилиши учун банкнинг оммавий ахборот воситалари билан алоқалар учун тегишли таркибий бўлинмалар масъул ҳисобланади. Яъни тегишли таркибий бўлинмалар томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш учун бериладиган (банк сири бундан мустасно) маълумотларни ўз вақтида жойлаб бошриш Ахборот хизмати ходимлари вазифаси ҳисобланади.

Банкнинг тегишли таркибий бўлинмалари раҳбарлари (ўз қисмида) ахборотнинг ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли тақдим этилиши, ошкор этиш бўйича ўз функцияларининг лозим даражада бажарилиши ва банк Ахборот хизмати билан ўзаро ҳамкорликда ишлашга масъулдирлар.

56. Ушбу Сиёсатга мувофиқ ахборотнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва ошкор этилишининг ўз вақтида бажарилиши учун жавобгарлик банк бошқаруви зиммасига юкланади.

57. Банк Кузатув кенгаши банк фаолиятининг натижалари тўғрисидаги банк Бошқарувининг йиллик ҳисоботи доирасида ҳар йили ушбу Сиёсат талабларининг ижроси борасида банк Бошқарувининг ҳисоботини тинглайди.

13-боб. Банкда PR (пиар) фаолияти (Жамоатчилик билан алоқалар)

58. PR (пиар) (жамоатчилик билан алоқалар) – бу банк ва жамият ўртасида ўзаро бир-бирини тушунган ҳолда самимий муносабатлар ўрнатишга ва дўстона муҳитни шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуидир.

59. Пиарнинг асосий вазифаларидан бири – банкнинг ижобий имижини, обрўсини шакллантириш ҳисобланади. Ушбу тадбир асосан, аҳоли ва миждозлар ўртасида банкка нисбатан ишончсизлик ортиб бораётган ҳолларда қўлланилади.

60. Банкда пиар объектлари – ташқи мақсадли аудитория (аҳоли ва миждозлар) ҳамда ички мақсадли аудитория (ходимлар ва инвесторлар)га бўлинади.

Банкда қуйидаги пиар усуллари ва воситаларидан фойдаланиш мумкин:

ОАВ орқали (босма нашрлар, тв-радио, матбуот учрашуви ва тадбирлар);

интернет орқали (расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқлар, блогерлар ва онлайн оммавий ахборот воситалари);

ишбилармонлик тадбирлари орқали (форумлар, конференция ва семинарлар, йиллик ҳисоботлар, кўргазма ва ишбилармонлик учрашувлари);

ижтимоий лойиҳалар (ҳомийлик, хайрия, бизнеснинг корпоратив ижтимоий масъулияти);

ижтимоий тадбирлар (тақдирлаш, қабуллар, тақдимот, фестивал ва танловлар) орқали пиар фаолияти амалга оширилади.

61. Банкда қуйидаги пиар турларидан фойдаланиш мумкин:

Оқ пиар – бу пиарнинг классик тури ҳисобланиб, ижобий ўзгаришлар ва банк бошқаларнинг фаровонлиги ҳақида қайғурадиган, атрофда юз бераётган ҳодисаларга бефарқ бўлмаган жамиятнинг бир қисми сифатида ўзини намоён қилишнинг ажойиб усули.

Яшил пиар – экологияни асрашга ёҳуд табиатга таҳдид соладиган ҳар қандай нарса ёки ҳаракатларга қаршилик нуқтаи назаридан амалга ошириладиган усулдир. Масалан, банк томонидан яшил иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш. Электромобиль учун автокредит ва бошқалар.

Сариқ пиар – сариқ матбуотга ўхшаб, матбуотдаги энг ишончли жанжаллар ва қайноқ фактлар орқали банк обрўсини оширишга қаратилган усулдир. Ушбу усулдан фақатгина ижобий мақсадни кўзлаган ҳолда фойдаланиш мумкин.

62. Банкда қуйидаги пиар турларидан фойдаланиш тақиқланади:

Қора пиар – унинг мақсади имкон қадар рақобатчилар обрўсига путур етказишни мақсад қилган усулдир. Бу орқали рақобатчиларнинг обрўсини ва шаънини ерга уришга ҳаракат қилинади.

Бундан ташқари, банк фаолиятида кулранг, хаки ва бошқа ҳар қандай рангдаги пиар турларидан фойдаланиш ман қилинади.

63. Ҳар қандай пиар фаолияти давомида банк ёки унинг мижози ёҳуд жисмоний шахс обрўси, шаънига путур етказишга йўл қўйилмайди.

64. Пиар фаолиятини амалга ошириш давомида мазкур банк ахборот сиёсатида кўрсатиб ўтилган бошқа меъёрий талабларга тўлиқ риоя этилиши ва амал қилиниши мажбурийдир.

14-боб. Якуний қоидалар

65. Ушбу Сиёсатга мувофиқ ошкор этилган маълумотларнинг ташкил этилиши, ҳолати ва ҳаққонийлиги учун жавобгарлик банк Бошқаруви зиммасига юкланади.

66. Банк Кузатув кенгашининг қарорига кўра, ахборотнинг ўз вақтида, сифатли, ишончли ва тўлиқ ошкор этилиши банк Бошқаруви фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ва унга ҳақ (бонуслар) тўлаш шарти бўлиши мумкин.

67. Ахборотни ошкор қилиш жараёнида банкка зарар етказилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, банк Устави, ушбу Сиёсат ва банкнинг ички ҳужжатлари бузилган тақдирда, айбдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин.

68. Ушбу Сиёсат билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, банк Устави, амалдаги листинг талаблари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, банк Кузатув кенгаши қарорлари ва банкнинг белгиланган тартибда қабул қилинган ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

69. Ушбу Сиёсатнинг айрим бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ёки банк Уставига киритилган ўзгартиришлар натижасида уларга зид келиб қолса, ушбу Сиёсат талаблари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ёки банк Уставига зид бўлмаган даражада қўлланилади. Ўз кучини йўқотган бандлар бўйича ва ушбу бандлар билан тартибга солинадиган масалалар борасида ушбу Сиёсатга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ёки банк Устави нормаларига амал қилиш лозим.

70. Ушбу Сиёсат банк Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган кундан эътиборан кучга киради.

71. Ушбу Сиёсатга банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади ёхуд янги таҳрирда тасдиқланади.